O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН САЙЛОВЛАРГА 8 КУН ҚОЛДИ

*Shu aziz Vatan — barchamizniki*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 18-DEKABR ■ SHANBA ■ 153 (27.328) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ




Мамлакатимиз катта тарихий, сиёсий воқеа арафасида турибди. Олий Мажлисимизнинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайлов ҳозир нафақат республикамиз аҳлининг, балки жаҳон жамоатчилигининг ҳам диққат-эътиборига тушган.

Сайлов округлари ва участкалари бўйлаб юрган хорижий кузатувчилар дунё харитасида муҳим геосиёсий ўрин тутувчи Ўзбекистон Республикаси ўз миллий давлатчилигини ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганлигини бот-бот таъкидлаб ўтишаяпти.

Дарвоқе, икки палатали парламентга ўтиш — давлат ҳокимиятига ижобий таъсир кўрсатиб, адолатли фуқаролик жамият сари ташланажак залворли қадам бўлиши, шаксиз.

Шу кунларда Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар бошқа сиёсий партиялар ҳамда ташаббускор гуруҳлардан рўйхатга олинган номзодлар билан ҳар бир депутатлик ўрни учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Улар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, ўз партиялари обрў-эътиборлари учун таъбир жоиз бўлса, «жангга» кирганлар.

Эслатиб ўтамиз: Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлиги учун *Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 113,* Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан — 71, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 60, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 87, Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан — 119, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан — 55, жами **505** нафар номзод кураш олиб бормоқда. **Уларнинг 160 нафари, яъни 31,9 фоизи аёллардир.**

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қанотидир. Партия меҳнат аҳли — ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, шунингдек ҳарбий хизматчилар, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя этади**

### Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигига



Айни кунларда мусулмон дунёсининг буюк алломаси Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанд тумани ҳудудида жойлашган масжид мажмуасида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

— Қурилиш, ободонлаштириш ишлари асосан ҳашар йўли ва ҳокимлик ҳисобидан олиб борилмоқда, — дейди туман ҳокими Баҳодир Саъдуллаев. — Хожа Аҳрор қишлоғида 2 та янги кўприк, кўркам фавворалар, шаҳарга бораверишдаги канал атрофлари ободонлаштирилиб кенг майдон кўкаламзорлаштирилди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Миллий меъморчилик анъаналарига хос замонавий тартибда қайта сайқал топаётган мажмуа келгусида янада зиёратчилару сайёҳлар билан гавжум бўлади.

Қурилиш, ободонлаштириш ишларида Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Меъмор-96» қурилиш ташкилоти, Наманган вилоятидан ташриф буюрган «Комплекс Аъзам» МЧЖ жамоасининг фаоллиги ишни тез кунларда якунлашга замин ҳозирламоқда.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



**Суратларда:** Хожа Аҳрор Валий мажмуасида қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжида.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

### Биз билган ва билмаган тарих

# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

**Биринчи мақола**

***Мустақиллик халқни ўз тақдирининг ҳақиқий эгасига айлантиради, унинг ҳаётини ёруғ ва чароғон қилади, ҳар қандай миллатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва обрў-эътибор топиши учун пойдевор бўлади.***

**Ислом КАРИМОВ**

### 1. Муқаддима

Ўзбекистон мустақиллиги, унинг тарихи ҳақида яқинда бўлиб ўтган бир суҳбатда Президент Ислом Каримов, жумладан, шундай фикрларни билдирди.

*— Ҳар қайси халқ ва миллатнинг мустақиллик учун кураш йўлини ўзида мужассам этадиган муқаддас тимсоллари бўлади.*

*Албатта, бутун халқ, бутун бир миллат шу йўлда курашиб, қанчадан-қанча авлодлар қон тўкиб, қурбонлар бериб эришган истиқлолнинг аҳамияти, қадр-қиммати ва баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.*

*Шуни унутмаслик керакки, мустақиллик шунчаки орзу-ҳавас эмас, балки шу заминни ўзига Ватан деб билган ҳар бир инсоннинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун сув билан ҳаводек зарур. Агар бу ғоя, бу тушунча халқимизнинг онгу тафаккуридан чуқур жой олса, бундай халқни ҳеч қандай куч енга олмайди.*

*Буюк шоиримиз Чўлпоннинг сўзлари билан айтганда, мустақилликка эришган халқ том маънода шиддатли тўлқинга, қудратли денгизга ва бекиёс кучга айланади.*

*Модомики, мустақиллик шундай бебаҳо неъмат экан, биз истиқлолга осонликча эришмаганимизни асло унутмаслигимиз даркор.*

*Халқимизнинг бу йўлда мардона курашиб, не-не азоб-уқубатларни бошидан кечиргани, миллатнинг асл фарзандлари бўлмиш мутафаккир зотлар, зиёли инсонлар, саркарда ва етакчилар шу муқаддас ишга ўз ҳаётини фидо этгани бунинг яққол исботидир.*

*Дунёнинг турли мамлакатларида Ватан озодлиги учун олиб борилган жангу жадаллар, босқинчи ва мустамлакачилар устидан қозонилган ғалабалар, матонат ва жасорат намуналарини, шу мақсад йўлида берилган қурбонлар хотирасини мустақиллик тушунчаси ва ғояси билан бевосита боғлиқ ҳолда акс эттирадиган ёдгорлик ва обидалар мавжуд.*

*Мисол учун, Америка Қўшма Штатларида машъала кўтарган маъбуда тимсолидаги улкан Озодлик ҳайкали, Францияда пойида мангу олов ёниб турадиган улуғвор Зафар минораси, Германияда ғоят юксак Ғалаба илоҳасининг ҳайкали қад кўтариб турибди. Уларнинг ҳар бири шу юрт, шу мамлакат халқларининг ҳуррият учун курашлар тарихи ва эзгу орзу-интилишларини ўзида намоён этади.*

*Ер юзида ҳеч бир давлат йўкки, истиқлол йўлида қурбон бермаган, озодликка осонликча эришган бўлсин. Шунинг учун ҳам ҳар қайси мустақил мамлакатда мана шундай маъно-мазмунни мужассам этадиган майдонларнинг барпо этилиши табиийдир. Бундай майдонлар ҳақида қўшиқ ва достонлар ёзилади, халқ уларни табаррук зиёратгоҳ деб билади,* деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Мустақиллик номи билан аталадиган бош майдоннинг ҳам ўзига хос тарихи ва тақдири бор. Ушбу ҳикоямиз шу ҳақда.

2-БЕТ

### ПАРТИЯ ПЛАТФОРМАСИ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2004 йил 26 декабрида бўладиган сайловларда иштироки ва унинг шу муносабат билан қабул қилинган Сайловолди Платформаси мамлакатимиз жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси жамоаси ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Олий педагогика институти тингловчилари партия Марказий Кенгаши котиби Собиржон Усмоновнинг шу ҳақдаги маърузасини диққат билан тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

### КУТУБХОНА ГРАНТ ОЛДИ

Нодира номидаги Наманган вилоят кутубхонаси АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонасининг 35 минг долларлик грантини қўлга киритди.

Ушбу лойиҳага кўра, кутубхонага энг замонавий техника воситалари, олтита компьютер, мини кинотеатр, рақамли фотоаппарат, рангли телевизор, шунингдек, мебель жиҳозлари тўплами ҳамда 2004 йилда Америка нашриётларида босмадан чиқарилган 20 минг долларлик ҳажмдаги бадиий ва илмий, услубий адабиётлар келтирилди.

**Иномжон УЛУҒБОЕВ,**
**«Туркистон-пресс»**

## ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ЭЪТИРОФИ

**Римда «Ўзбекистоннинг янги икки палатали парламент тизими — демократия ва давлат барқарорлигининг кафолати» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси, Италиянинг Осиё ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари институти (Is.I.A) ҳамда Африка, Лотин Америкаси, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари билан алоқалар институти (IPALMO) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизда кечаётган икки палатали парламент тизимига ўтиш жараёни, парламент сайловларини ўтказишга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида батафсил ахборот берилди.**

Давра суҳбатида сўзга чиққан Is.I.A ва IPALMO бош котиби Антонио Локе Ўзбекистонда ўтказилажак сайловлар кенг даражада муҳокама қилиш ва ўрганишга лойиқлигини эътироф этди. Шунингдек, у мамлакатимиздаги демократик жараёнлар ҳамда барча соҳаларни либераллаштириш ва замонавийлаштириш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатларни тан олиш зарурлигини таъкидлади.

Италия ташқи ишлар маҳкамаси маслаҳатчи-вазири, ЕХҲТдаги доимий элчи Гвидо Ленци икки қутбли жаҳон тартиботи ўтмишда қолгач, янги мустақил давлатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар томон интилиши кузатилаётгани ва ушбу жараён ривожланган демократик давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиши зарурлигини қайд этди.

Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонасида бўлиб ўтган брифинг ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловлар мавзуига бағишланди. Унда Ўзбекистонда шу йилнинг декабрь ойида биринчи синовдан ўтадиган парламент ислоҳоти халқаро экспертлар томонидан жамиятни демократлаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам сифатида баҳолангани тилга олинди. Брифинг иштирокчилари янги қонунчиликка биноан давлат раҳбарининг элчиларни тайинлаш, бош прокурор ва МХХ раиси номзодларини тасдиқлаш каби баъзи бир ваколатлари парламентга берилаётганига катта қизиқиш билдиришди.

Сайловлар куни яқинлашган сари турли давлатларнинг парламент арбоблари ҳам ушбу воқеага ўз муносабатларини билдириши фаоллашмоқда. Бельгия парламенти Вакиллар палатаси ташқи ишлар бўйича комиссияси раиси Карел Пинкстен Тошкентда «Парламентаризм: хорижий давлатлар тажрибаси» халқаро анжуманида иштирок этиб, ўз ватанига қайтгач, сайловларга тайёргарлик жараёнини юқори баҳолади ҳамда бўлажак парламент билан яқиндан ҳамкорлик қилишга умид билдириб, «Мен турли мамлакатлар парламентлари аъзолари ўзаро учрашиб, фикр алмашиб туришини ва ўз мамлакатларининг халқлари манфаатлари йўлида биргаликда ишлашларини ўта муҳим деб ҳисоблайман», деди.

Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманларнинг яна бир иштирокчиси, Польша парламенти Марказий Осиё билан алоқалар гуруҳи аъзоси К. Окшюта Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги воқеаларни доимо кузатиб боришини таъкидлади. У бўлажак парламент сайловлари ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимини яратиш бўйича саъй-ҳаракатлари демократик жамиятни бунёд этиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган. Мен Ўзбекистон раҳбариятини фуқаролик жамияти ва барқарор сиёсий тизим барпо этишда аниқ мақсадларга эгалигига гувоҳ бўлдим».

**Садриддин СУЯРОВ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**Биз билган ва билмаган тарих**

# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

**Биринчи мақола**





**Суратларда:** *Тошкентдаги собиқ Туркистон генерал-губернаторининг қароргоҳи. XIX асрнинг охири; Тошкентдаги собиқ Қизил майдон. 1936 йил.* (Архив суратлари).

## 2. Ўрда. Собор майдони...

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, қадимда Тошкентнинг асосий ҳудуди Эски шаҳардан иборат бўлган.

Эски шаҳар Анҳор каналининг кунботиш тарафини эгаллаган. 1810 йилдан сўнг Анҳорнинг шарқий соҳилида Қўқон хонининг Ўрдаси барпо этилган. 23 гектардан ошиқ майдонни ишғол этган Ўрда хон саройи билан бирга, сарбозлар қўрғони, қурол-яроғ омбори ва ғазнани ўз ичига олган бўлиб, икки километр узунликдаги баланд девор билан ўралган. Унинг ёнида дастлаб Қашқар маҳалласи юзага келган, кейинчалик бошқа маҳалла ва мавзелар пайдо бўлган.

1864-65 йилларда полковник Черняев бошчилигидаги чор қўшинлари Тошкент шаҳрини босиб олиш учун ҳужум қилади ва жанг давомида Ўрдага жиддий шикаст етади. Шу боис Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгач, 1867 йили генерал-губернатор Кауфман Ўрда ўрнида ўзига қароргоҳ —Оқ уй барпо этади. Бу ерда, шунингдек, ҳарбий истеҳком ҳам қурилади. 1888 йили эса Спас-Преображение ҳарбий собори тикланади.

«Чор армияси офицерлари ҳар якшанба куни ўз оилалари билан мана шу соборга, ибодатга йиғилар эди, — деб ҳикоя қилади А. Тюриков «Истории о Ташкенте» китобида. — Шу боис бу жой Собор майдони дейилган».

Собор майдони аслида ҳарбий парад ўтказиш учун мўлжалланган, замонлар ўтиши билан у шаҳарнинг сиёсий марказига айланган.

Ушбу майдон беш хонадан иборат бир қаватли Оқ уйнинг олдида жойлашган, лекин бу иморат майдонга ҳеч қандай кўрк бағишламаган.

Сарой атрофида чор аъёнлари ва мустабид ҳарбийларнинг европача андозадаги уйлари, казармалар қад ростлаган, аммо улар ҳам ғоятда кўримсиз бўлган.Ўша даврдан қолган тарихий суратлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шаҳаршунос В.Нильсеннинг ёзишича, бу ҳудуддаги биринчи кўча собиқ Парадлар хиёбони ўрнидан ўтган ва у Черняев номи билан аталган.

Шўро тузуми қарор топгач, 1917 йили Собор майдони Қизил майдон деб аталади. 1931 йили Оқ уй ўрнида Ҳукумат уйи қурилади.1936 йили Ҳукумат уйи олдида Ленинга ҳайкал ўрнатилади.

«Аввал бу майдон Москвадаги Қизил майдоннинг рамзий шериги сифатида шу ном билан аталган», — деб ёзади А.Тюриков.

1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг майдон қайта таъмирланди ва Ленин номи билан атала бошланди.1974 йилнинг 20 октябрида эса бу ерда унинг ўн саккиз метрлик, постаменти билан бирга 34 метрлик янги ҳайкали ўрнатилди.

Ниҳоятда баҳайбат бу ҳайкал Тошкентга олиб келингач, майдон унга торлик қилиб қолди, шу боис амалдаги лойиҳа ўзгартирилиб, ҳайкал учун собиқ Ҳукумат уйининг олдида эмас, балки унинг шимол тарафида махсус жой ҳозирланди, шу муносабат билан Парадлар хиёбони ҳам шимол томонга сурилди.

Илгари майдон собиқ Ҳукумат уйи олдида, шарққа қараб чўзилган бўлса, энди улкан ҳайкал олдида, шимолдан жанубга қараб кенгайтирилди.

1975 йилнинг 7 майида, Москвадаги Қизил майдондан нусха олиб, бу ерда ҳам Парадлар хиёбонининг кунчиқар тарафида «Номаълум солдат қабри» «барпо» этилди ва бронзадан каска ҳамда дафна бутоғи шакли ишланиб, «Сенинг исминг номаълум, жасоратинг барҳаёт», деб ёзиб қўйилди. Кейинчалик унинг шимолий тарафида Максим Горький номли рус академик драма театри янги биноси тиклана бошланди, аммо негадир бу қурилиш ярим-ёрти ҳолда чала қолиб кетди.

1974 йили ушбу майдонда Ильичнинг ҳайкалидан ҳам бесўнақай яна бир иншоот қад кўтарди. Йигирма қаватли мазкур Маъмурий бино шўро даври меъморчилигининг энг хунук ва номаъқул намунаси, коммунистик манманлик ва дабдабабозликнинг яққол ифодаси, десак, асло хато бўлмайди.

1982 йили майдоннинг кунчиқар томонида яна бир баланд иморат — Ҳисоблаш маркази қуришга киришилди. Йигирма қаватли ушбу бинонинг темир каркаси тикланди-ю, нимагадир шу ҳолда қолиб кетди.

Сейсмик фаол зонада жойлашган, яқиндагина мудҳиш зилзилани ўз бошидан кечирган Тошкентнинг қоқ марказида чуқур ўйланмасдан қилинган ушбу ишлар замирида мустабид тузумнинг табиат қонунлари ва инсон ҳаётига, бутун бир халқ маданиятига, шарқона руҳ ва миллий меъморий анъаналарга беписанд муносабати муҳрланиб қолган.

Биз бу мавзуга яна қайтамиз...

## 3. Мустақиллик монументи

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон истиқлоли эълон қилингач, Президентимизнинг илк Фармони шу муносабат билан амнистия бериш ҳақида, кейинги Фармони эса Бош майдонни Мустақиллик майдони дея номлаб, бу жойда озодлик обидаси ўрнатишга доир бўлди.

Тарихда биринчи маротаба метро бекатининг номи «Мустақиллик майдони» дея она тилимизда жаранглаганида йўловчиларнинг кўзлари ёшлангани кўпчилигимизнинг ёдимизда.

Орадан кўп ўтмай, бутун бир майдонга калхатдек соя ташлаб турган Ильичнинг баҳайбат ҳайкали бир кечада олиб ташланди, лекин бу иш эски тимсолларни янгиси билан шунчаки алмаштириш учун қилинган эмас, балки бу — келгусида Мустақиллик майдонини тубдан ўзгартириш, унга янгича қиёфа, маъно ва мазмун бахш этишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз, амалий ишларимизнинг бошланиши эди.

Катта сиёсий-тарихий аҳамиятга эга бўлган бу ишларнинг пухта ўйланган режаси Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

Яна ўша тарихий кунларга қайтайлик.

Албатта, бу ҳайкални олиб ташлаш учун майдонда гўёки халқнинг хоҳиш-иродаси билан турли митинг ва намойишлар уюштириш, ёки бўлмаса, бу масалани сиёсий кампанияга айлантириб, уни давлат идораларида, меҳнат жамоаларида муҳокама қилиш, эски тузумни қоралаш бўйича даъват ва чақириқларини ташкил этиш ҳам мумкин эди. Баъзи қўшни республикаларда шундай бўлди ҳам.

Лекин давлатимиз раҳбарининг бу борадаги оқилона сиёсати туфайли мана шундай сунъий ва сохта, ҳеч кимга керак бўлмаган, ортиқча эҳтирос ва эътирозларни қўзғайдиган ишларга йўл қўйилмади. Юртбошимизнинг бевосита топшириғи билан бу ишнинг аниқ режаси тузилди ва уни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўз-ўзидан аёнки, бу жиддий масала фақат «пролетар доҳийси» ҳайкалини олиб ташлаш билан охирига етмас эди. Авваламбор, узоқ йиллар давомида мустабидлик ва зўравонлик тимсоли бўлиб, одамлар юрагига қўрқув ва мутелик уруғини сочиб келган Ленин ҳайкали ўрнига нима ўрнатиш масаласини ҳал қилиш зарур эди. Бу ишни қачон амалга оширишдан тортиб, қандай куч ва механизмларни жалб этиш, яъни бу жараённинг энг майда деталларигача ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқиш лозим эди.

Агар бу масала зудлик билан ҳал қилинмаса, Ленин ҳайкалининг бўш қолган постаменти атрофида ашаддий коммунистлар йиғилиб, сиёсий ўйинлар бошлаши ва турли иғво-фитналар уюштириши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди.

Бу мураккаб муаммони тезда ҳал қилиш, маънавий нуқтаи назардан одамларга, кўпчиликка қандай рамзий тимсол маъқул келишини аниқлаш ва уни тайёрлаш лозим эди. Бир сўз билан айтганда, бу тимсол одамларни бир-бирига қарама-қарши ва душман эмас, балки аҳил ва ҳамжиҳат қилиши, яъни, жамиятни бўлишга эмас, балки бирлаштиришга хизмат қилиши керак эди, албатта.

Давлатимиз раҳбари ана шу сиёсий заруратни чуқур ҳис этган ҳолда, бу жойда улкан Ер шари тасвири ва унда Ўзбекистон харитаси ўзининг яққол ифодасини топган монумент ўрнатиш ғоясини илгари сурди. Содда қилиб айтадиган бўлсак, эй одамлар, билиб қўйинглар, дунё харитасида янги давлат — мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлди, токи дунё бор экан, халқимиз яшар экан, Ўзбекистон мустақил бўлиб қолаверади, деган теран маъноли ғояни ўзида мужассам этган монумент лойиҳасини тайёрлашни таклиф этди ва унинг тарҳини ўзи чизиб берди. Кейинчалик бу иш учун Ислом Каримовга муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган махсус патент ҳам берилди.

Президент ўзи бир пайтлар ишлаган Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи мутахассислари билан фикрлашиб, ушбу лойиҳанинг муҳандислик ечимлари, жумладан, монументнинг ҳажми ва оғирлигини белгилаш, уни мустаҳкам қилиб ўрнатиш, ҳар қандай об-ҳаво ва иқлим шароитида ҳам ранги ва жозибасини ўзгартирмаслиги учун уни қандай материалдан, қандай технология асосида тайёрлаш, конструкцияси қандай бўлиши хусусида ҳам амалий таклиф ва тавсияларини берди.

Шундай қилиб, 1992 йили майдондаги Лениннинг бесўнақай ҳайкали ўрнида Мустақиллик монументи қад ростлади. Ва у озодлигимиз тимсолига айланди.

Асрлар давомида зулм ва истибдод чангалида қолиб, бировларнинг қош-қовоғига қараб яшашга маҳкум бўлган халқимиз она Ватанини эъзозлаш, унинг қадр-қимматини муносиб шарафлаш ҳуқуқидан маҳрум эди. Шу маънода, ушбу обида шу асрий армоннинг ушалиши, тарихий адолатнинг бамисоли булут остидан қуёш каби балқиб чиқишидек бўлиб туюлади.

— Биз кишилик жамиятини бир бутун оила сифатида ўз бағрига жо этган Она сайёрамиз тимсолини бошимиз узра баланд кўтардик, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Бу теран рамздир. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан олға сурилган бу фалсафий ғоя ҳар қандай кўнгилда фахр-ифтихор уйғотади. Қаранг, Ер шари тиллодек товланиб турибди. Унинг бағрида она Ўзбекистонимиз яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, ўзбек халқи рўйи заминдаги миллату элатлар орасида ўзининг муносиб тарихий ўрнига эгадир. Чунки бу халқ азал-азалдан умумбашарий тараққиётга салмоқли таъсир кўрсатиб келган. Амир Темур, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мусо Хоразмий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби улуғ аждодларимиз номи дунё тарихига олтин ҳарфлар билан битилган. Шу боис ҳам Ўзбекистонимиз Ер юзидаги ўз тарихий ўрни билан фахрланишга тамомила ҳақли.

Етмиш йил давомида шўроларнинг зўравонлик қудратини намойиш этувчи тантанавор ҳарбий парадлар ўтган, ҳавойи чақириқлар ва уларга жавобан «Ура!» садолари янграган мазкур майдонда 1992 йили 31 августда тарихда илк дафъа Мустақиллигимизнинг бир йиллик айёми тантана қилинди. Ва мана, ўн уч йилдирки, энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг шодиёна садолари Бош майдонимизда янграб келмоқда.

## 4. Халқимизга, ватандошларимизга хизмат қилсин!

Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлагач, пойтахтимизни замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган шаҳарга, чинакам Шарқ дарвозасига айлантириш масаласини кун тартибига қўйгани ҳеч кимга сир эмас. 1990 йилнинг 20 январида, шаҳар фаоллари йиғилишида худди шу муаммо муҳокама этилиб, давлатимиз раҳбари, хусусан, Тошкентнинг маъмурий марказини меъморий нуқтаи назардан такомиллаштириш масаласига бутунлай янгича ёндашув билан қараш зарурлигини уқтиради.

Мазкур ҳудуддаги Ҳисоблаш маркази ва Максим Горький номли рус академик драма театри янги биноси қурилиши чала қолиб кетгани, лойиҳалар жуда тумтароқ ва дабдабали эканига тўхталиб, уларни энг аввало, зилзилага бардош бериши, иқлим шароитимиз, турмуш тарзимиз ва азалий анъаналаримиз инобатга олинган ҳолда қайта кўриб чиқиш, қурилиш ишларини миллий ва замонавий шаҳарсозлик тамойиллари асосида давом эттириш зарур, бу иморатлар халқимизга, ватандошларимизга хизмат қилсин, дея таъкидлайди.

Театрнинг янги биносига 1982 йили пойдевор қўйилган бўлсада, республика компартияси марказқўмининг машъум XVI пленумидан сўнг кўпдан-кўп қурилишлар қатори у ҳам тақа-тақ тўхтаб қолган эди.

Давлатимиз раҳбари мазкур иншоотга алоҳида эътибор билан қараб, лойиҳани қайта-қайта кўриб чиқади, унга ғоят муҳим ва жиддий ўзгартиришлар киритиб, босқичма-босқич такомиллаштириб боради. Шу билан бирга, қурилишни тезлаштириш мақсадида тегишли ташкилий-амалий чоралар кўрилишига бошчилик қилади.

Мамлакатимиздаги кўплаб театр бинолари ночор аҳволда бўлган бир шароитда бу муҳташам саройнинг битта театр жамоасига топшириб қўйилиши жамоатчиликда ҳақли эътироз туғдириши мумкинлигини ҳисобга олиб, Президент таклифи билан бу ерда муаззам санъат саройи барпо этишга қарор қилинади.

Шуниси алоҳида эътиборга моликки, рус академик драма театримиз ҳам жойсиз қолгани йўқ, қанчалик қийин бўлмасин, орадан уч-тўрт йил ўтгач, мазкур театр учун шаҳар марказидан замонавий бино қуриб берилди. Бу, албатта, мамлакатимиз раҳбарининг санъат ва ижод аҳлига бўлган катта ҳурмат-эҳтироми ва ғамхўрлигидан далолат беради.

Юртбошимиз 2003 йилнинг март ойида бўлғуси саройнинг қурилиш ва пардозлаш ишлари билан атрофлича танишади. Фойега ўрнатиш учун таклиф этилган мавҳум расмлар ўрнида халқнинг кўнглига, унинг миллий руҳига яқин бўлган тасвирий паннолар яратиш зарурлигини уқтиради.

Залнинг шифти ҳам ҳозирги кўринишда эмас, балки яхлит гипсокартон билан қопланган бўлиб, уларнинг ичига чироқлар ўрнатилган эди. Улар ўз ҳолича зангор осмонни ва юлдузлар жилвасини ифода этиши кўзда тутилган эди, бироқ гумбаз тубсиз фалакка ҳам, залнинг шифтига ҳам ўхшамасди. Шу боис Президентимиз уни тубдан ўзгартириб, миллий жилоларда зийнатлаш, гумбазни ҳақиқий санъат асарига айлантириш бўйича топшириқ берди. Шу билан бирга, зал деворларини халқимизнинг ўймакорлик санъати намуналари билан безаш керак, бу чинакам маданият ва маърифат кошонаси бўлсин, деб фикр билдирди.

Москванинг Съездлар саройидан нусха олиб қурилган балконнинг шакли Юртбошимизда эътироз уйғотди. Зал қандайдир бўғилиб қолган, балкон уни босиб турар, энг ёмони, бу ердан саҳнадаги одамнинг боши зўрға кўринар эди, холос.

Президентимизнинг кўрсатмаси асосида балкон ихчам ҳолга келтирилди, ложалар олиб ташланди, зал деворлари ва фойе яхлит миллий услубда, нафис тасвирий воситалар ёрдамида безатилди.

Залнинг тоқида ғоят муҳташам мовий ранг гумбаз яратилди ва гир айлана биллур қандил осилди. Мана шундан сўнг зал ўзгача жозиба ва салобат касб этиб, бутунлай яшнаб кетди.

1993 йилнинг 25 августида давлатимиз раҳбари яна бу ерга келиб, амалга оширилган ишларни бирма-бир кўздан кечиргач, ёнидаги кишиларнинг бирига, охирги қаторга бориб ўтиринг, деди. Ўзи эса қурувчилар билан бир оз суҳбат қилди, сўнг ҳалиги одамни чақириб, ҳозир биз нима ҳақда гаплашдик, деб сўради. У киши ўз эшитганларини дона-дона қилиб, батафсил айтгач, Ислом Абдуғаниевичнинг чеҳраси очилди ва «Мана энди залнинг акустикаси талабга жавоб берадиган ҳолга келди!» — деди.

— Мен 1992 йилдан бери Юртбошимизнинг бутун мамлакатимиздаги, жумладан, Мустақиллик майдонидаги қурилишларга доир кўрсатма ва ғояларини, таклиф ва мулоҳазаларини ҳаётга татбиқ этишда иштирок қилиб келаман, — деб ҳикоя қилади Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Азамат Тўхтаев. – Ҳар гал Ислом Абдуғаниевичнинг узоқни кўра билиши, энг мураккаб шароитда ҳам ягона тўғри йўлни кўрсатиб бериши мени ҳайратга солади. Тўғри, у киши илгари сурган ғояларни биз ҳадеганда чуқур англаб етмаган ҳолатлар ҳам бўлган, аммо бир оз вақт ўтиши билан ўша ёндашув, таклиф ва тавсиялар нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи кўрсатган. Бунинг бир мисоли сифатида «Туркистон» саройини олиб кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг меъморий концепцияси билан иншоот бизнинг кўз олдимизда бетакрор, ўзида миллий ва замонавий услубни мужассам этган муҳташам санъат кошонасига айланди.

1993 йилнинг 4 сентябрида иш бошлаган бу улуғвор кошонага Ислом Каримов «Туркистон» деб ном беришни таклиф этди. Мустақиллик майдонининг тўрида салобат тўкиб турган бу гўзал меъморий обиданинг айнан ана шундай ном билан аталиши рамзий маънога эга, албатта.

Сарой олдидаги кенг ва равон саҳнлар, бир-бирига уланиб кетган чиройли фавворалар ва инсоний саодатнинг азалий рамзи бўлмиш Ҳумо қуши тимсоли, сарой ортидаги 3600 ўринли ёзги томошагоҳ, теварак-атрофдаги кўркам хиёбонлар ҳар қандай кишининг ҳам баҳри-дилини очади.

Орадан кўп ўтмай бу бино йирик халқаро анжуманлар,санъат байрамлари ўтказиладиган чинакам маданият саройига айланди ва халқимизга, юртимизга хизмат қила бошлади.

## 5. Ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар

Президентимизнинг нуқтаи назарига кўра, Бош майдондаги ҳар бир бино, ҳар бир ўзгариш инсоннинг ўтмишга, она-Ватанга садоқати ва муҳаббатини зиёда этишга хизмат қилиши лозим.

Юқорида айтганимиздек, ҳозирги Хотира майдони ўрнида илгари «Номаълум солдат қабри» ёдгорлиги бор эди. Ана шу ёдгорлик пойида зикр этилган «Сенинг исминг номаълум, жасоратнинг барҳаёт» деган ёзувдаги мантиққа зид, ғайриинсоний мазмунга ҳам биринчи бўлиб Ислом Каримов жамоатчилик эътиборини қаратган эди. Ахир, қандай қилиб инсоннинг номи номаълум бўлиши, умуман, аскар номаълум бўлиши мумкин? «Номаълум аскар» деган тушунча шўро сиёсатининг саёз ва сийқа ташвиқот усулларидан бири эди, холос.

Аслини олиб қарасангиз, бу шиорда инсон ҳаёти ва хотирасига нисбатан беписандлик мужассамдир. Чунки одам боласи бу дунёга бир марта келади, ҳар қайси инсон орзу-ҳавас билан яшайди. Инсон номи, хотираси ҳам, унинг мардлик ва жасорати ҳам азиз ва мўътабардир.

Давлатимиз раҳбари 1998 йилнинг 9 майида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан бўлган учрашувда мана шу масалага эътиборни қаратиб, ***«Ўзбекистонимиз йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб, жон бераётганида, ишончим комилки, Европадаги қандайдир тепалик ёки қандайдир қаҳрамон шаҳар учун эмас, авваламбор ўз уйларини, оқ ювиб, оқ тараган меҳрибон оналарини, севимли ёрини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғу дўсту биродарларини ўйлаган. Ва мана шу инсонларнинг, элу юртининг тинчлиги, осойишталиги ва келажаги учун жон фидо этган,*** — *деб таъкидлади.* ***— Бу кун мана шу осмонимизнинг мусаффолиги, ҳаётимизнинг тинчлиги учун урушда қурбон бўлган инсонлар куни, уларнинг хотираси кунидир.***

***Агар биз мана шу майдонда уруш қурбонлари хотирасини абадийлаштирсак, ўйлайманки, жуда савобли иш қилган бўлар эдик».***

Дарҳақиқат, барчамизга аёнки, фашизм балосига қарши жангларда 450 мингдан зиёд Ўзбекистон фарзанди жон фидо этган, қанчадан-қанча юртдошларимиз ном-нишонсиз, бедарак йўқ бўлиб кетган.

Шу тариқа давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан халқимиз яна бир савобли ишга бел боғлади ва Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ватандошларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуи барпо этишга киришди.

1999 йилнинг 15 январь ва 26 февраль кунларида Президент Ислом Каримов икки юз ишчи, устаю муҳандис кечаю кундуз тинмай ишлаётган, қурилиш қизғин тус олган мазкур зиёратгоҳдаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Юртбошимиз бўлажак ёдгорлик мажмуи миллий меъморий анъаналар асосида барпо қилинишига, унда халқимизнинг ўтганлар руҳига чуқур ҳурмат билан қарашдек эзгу одати яққол сезилиб туришига, бу масканни одамларнинг оёғи узилмайдиган қутлуғ зиёратгоҳга айлантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Хотира майдони тўрида ўзининг ғояси асосида бунёд этилаётган Мотамсаро она ҳайкали уруш туфайли оғир кулфатларни бошидан кечирган, жигарбандидан айрилиб, беҳад қайғу-жафо чеккан ва қадди дол бўлган мунис ва муштипар она сиймосини ўзида тўлиқ намоён этиши кераклигини таъкидлади. Ҳайкал пойига эса «Сен доим қалбимдасан, жигарим!» деган, инсон хотираси ғоят азиз ва мўътабар эканини англатиб турадиган ёзувни муҳрлаб қўйишни таклиф этди.

Шу йўсинда эл-юрт тинчиги йўлида жон фидо этган барча ватандошларимизнинг табаррук номлари зарҳал лавҳаларга битиб қўйилган Хотира майдони барпо этилди.

«Бу обидага кўзим тушса, мени не-не алам ва ҳасратда урушга кузатиб қолган муштипар онам кўз олдимда намоён бўлади, — деб ёзади Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, академик Матёқуб Қўшжонов. — У тўрт йил давомида йўл қараб, менинг хаёлим билан эзилиб яшаган. Бундай оналар қанча!

Қорахат олиб, фарзанд доғида сочлари оқариб, қадди эгилиб қолганлар қанча!

Мен ўша оналар ўзлари оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган жигарбандларининг жасадлари кафансиз, жанозасиз, ким қаерларда қолиб кетганидан ёниб-куйиб ўтганини жуда яхши биламан.

Айниқса,бедарак кетган аскарларнинг онаизорлари бир умр йўлга термилиб, кўзда ёш, армон ва ҳасрат билан дунёдан ўтиб кетишди.

Мана шундай мунис ва меҳрибон онажонларимизнинг ҳақиқий тимсолига айланган ушбу обида буюк бир инсоний дардни ўзида ифода этиб турибди».

Миллатимиз табиатига мос бўлган ғоят сокин бу зиёратгоҳ, қачон қараманг, яшиллик оғушида, қачон қараманг, табаррук отахону онахонлар, навқирон ёшлар, олис шаҳар ва қишлоқлардан келган зиёратчилар, чет эллик сайёҳлар билан гавжум.

Нимага деганда, халқимиз бу тарихни, уруш жафосини ўз юрагидан ўтказган. Бу офат юртимиздаги ҳеч бир оилани четлаб ўтган эмас. Шу маънода, Мотамсаро она сиймоси: «Огоҳ бўлинг, одамлар!» — дея доимо ҳушёрликка чорлаб тургандек туюлади.

Давлатимиз раҳбари 1999 йилнинг 15 январида пойтахтимизнинг Бош майдони меъморий қиёфасини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу ҳудудда барпо этилиши кўзда тутилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси биноси лойиҳасини тайёрлаш бўйича қимматли фикр ва мулоҳазалар, аниқ таклиф ва тавсиялар билдирган эди. Лекин орадан бир ой вақт ўтгач, халқаро террорчилар Бош майдонда, Вазирлар Маҳкамаси биноси олдида портлаш содир этиб, ногаҳоний тажовуз қилишди. Оқибатда ушбу бинога жиддий шикаст етди, уни тубдан қайта таъмирлаш вазифаси кун тартибига чикди.

Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида Вазирлар Маҳкамаси биносини тубдан қайта таъмирлаш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 26 февраль куни муҳокама қилинди. Муҳокамада Ислом Каримов, ушбу иморат аввало ҳар томонлама мустаҳкам, шу билан бирга, кўркам ва мукаммал бўлиши, Бош майдонга улуғворлик ва маҳобат бағишлаб туриши зарурлигини таъкидлади ва унинг меъморий ечимини белгилаб берди.

Шу асосда тубдан қайта таъмирланган Вазирлар Маҳкамаси биноси ва унинг ён-атрофидаги яшил ҳудудлар бугунги кунда Мустақиллик майдонига узукка қўйилган кўздек ярашиб, унинг кўркига кўрк, салобатига салобат бағишлаб турибди.

Шу билан бирга, ушбу муҳташам бинонинг қисқа вақт ичида мутлақ янгича ва гўзал қиёфа касб этиши халқимиз вайронкорликдан ҳазар қилиб, ҳамиша ободликни эъзозлаб, бунёдкорликни улуғлаб яшашини яна бир бор намоён этди.

✧✧✧

*Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар бир мамлакатнинг Бош майдони ўз тимсолида халқнинг асрий урф-одатлари, маданияти, қадриятлари ва миллий меъморчилик анъаналарини теран акс эттиради.*

*Дунёдаги озодликни севган, эркинликнинг қадрига етадиган ҳар қайси халқ доимо Бош майдонларига талпиниб яшайди, ўзининг қутлуғ шодиёналарини айнан шу ерда нишонлайди. Бундай майдонлар улкан тарихий воқеаларга гувоҳ бўлиб, бутун бир мамлакат рамзига айланади.*

*Бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида гўзал пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ҳам ана шундай масканга, яхлит ва мукаммал ансамблга айланиб бормоқда.*

*Биз Бош майдонимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг давоми ва унинг истиқболи ҳақида кейинги мақоламизда яна сўз юритамиз.*

**Ғаффор ҲОТАМОВ,**
**Қуддус АЪЗАМОВ**

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН. УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## НАСИМҚУЛ КАРИМОВ

### (64-Ангор сайлов округи)



**1955 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-электрик. Техника фанлари номзоди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1970 йилда Сурхондарё вилояти суғориш тизимлари бошқармасининг Жарқўрғон автокорхонасида чилангарликдан бошлаган. 1972-1973 йилларда туман қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникумида таҳсил олган. 1973-1975 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975-1976 йилларда яна техникумда ўқишини давом эттирди, сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тугатди.

1982-1985 йилларда Сурхондарё вилоят моддий-техника таъминоти бошқармасида бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, бош муҳандис, бутлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлади.

1986-1994 йилларда «Сурхондарёшартномасавдо» бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, 1994-1997 йилларда республика «Ўзулгуржибиржасавдо» акциядорлик уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари, 1997-2000 йилларда Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, 2000-2001 йилларда Сурхондарё вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. 2001-2002 йилларда республика «Бош коммунгаз» корхонаси бош директори ўринбосари, 2002-2004 йилларда эса «Ўзавтойўл» ДАК бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари, «Осиёқурилишкомплект» МЧЖ директори лавозимларида фаолият кўрсатди.

У 2004 йил октябрь ойидан буён «Марказий Осиё транс қурилиш» ОАЖ ижрочи директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Республикамизнинг кўплаб долзарб қурилишларида унинг салмоқли ҳиссаси бор. У амалий ишни илмий иш билан чамбарчас олиб борувчи билимдон мутахассис. 3 та илмий рисола ва 28 та илмий мавзудаги асарлари чоп этилган. Айни пайтда докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Насимқул Ҳазратқулович доимо янгиликка интилиб яшайди. Ташаббускорлиги, маънавий етуклиги, барчага ғамхўр ва меҳрибонлиги билан ҳамкасбларига намуна.

— **Менинг назаримда, биринчи навбатда солиқ тизимини тўғри йўлга қўйиш керак,** — дейди Насимқул Ҳазратқулович. — **Унга боғлиқ кўп жиҳатларни қонуний асосга солиш лозим деб ҳисоблайман. Шунингдек, маиший хизмат кўрсатишга боғлиқ тўловларни такомиллаштириш ҳам фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжларига айланиб бормоқда.**

Аҳолининг реал даромади билан харажат саватчаси ўртасидаги мувозанат, энг кам маош миқдори бугунги бозор иқтисоди шароитида ўзини қандай оқлаяпти? Бу муаммонинг ечимини топиш лозим.

**Инсон саломатлигини муҳофазалашда, айниқса, болалар соғлиғини сақлашда, атроф-муҳит, экологик муаммоларни ҳал этиш энг муҳим масалалардан. Аҳолига малакали тиббий хизматни ташкил этиш ҳамда шу аснода мамлакатимизда босқичма-босқич суғуртали тиббий хизматни шакллантира бориш керак...**

## РОБИЯ КАТТАЕВА

### (65-Термиз сайлов округи)



**1961 йилда Термиз шаҳрида туғилган. Термиз давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги — физика ўқитувчиси. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати. ЎзХДП аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1982 йили Термиз шаҳридаги 8-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1995-2004 йилларда Термиз шаҳридаги 14-ўрта мактаб директори ўринбосари ва Т.Сайдалиев номидаги 2-ўрта мактаб директори лавозимларида фаолият кўрсатган. 2004 йил ноябрь ойидан буён шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бўлими мудири.

Робия Каттаева барча муваффақиятларига ишчанлиги, изланувчанлиги, одамлар билан тез тил топиша олиши, ўз вазифасига ўта масъулият, виждонан ёндашиши орқали эришган ва эришмоқда. У доим янгиликка интилиб яшайди, ташаббускор аёл, адолатли раҳбар. Жамоат ишларида ҳам фаол. Олий Мажлис депутати, парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси сифатида қонунларнинг яратилишида фаол иштирок этиб, сайловчиларнинг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлиб келаётир. Шунингдек, Робия Ғаниевна республика Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Меҳнатни улуғлаган, интилган киши, албатта, қадр топади, — дейди у.

Дарҳақиқат, халқ таълимини ривожлантириш ва ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари учун Робия Каттаева ҳукуматимиз томонидан «Халқ таълими аълочиси» ва «Мустақилликнинг 10 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастурида аёллар муаммоларига, ёш авлод тарбияси масалаларига урғу берилган.

**«Конституциямизда мажбурий таълим давлат томонидан кафолатланган. Бу энг илғор ва демократик тамойил. Аммо, нега болаларнинг боғчада тарбияланишларини ҳам мажбурий асосга кўчириш мумкин эмас. Чунки, барча тенг ҳуқуқли. Тажрибадан маълумки, боғчага қатнаган бола бошланғич синфга қабул қилиниши билан унинг дарс таълимини ўзлаштириши боғча кўрмаган болалардан кўп карра юқори бўлади. Шу боисдан, мактаб ёшигача бўлган болаларнинг боғча-яслиларда тўла тарбияланишини кафолатлайдиган қонун яратилиши лозим, деб ҳисоблайман.**

Менимча, қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш фурсати ҳам етган:

**— жамиятда аёлларнинг қонуний мавқеини янада кўтариш, она ва болаларни соғломлаштириш муаммоларини ҳал этиш;**

**— халқ таълими ва тиббиёт соҳасини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида уларнинг ойлик маошларини кўтариш, ўқувчилар дарсликлари тўловини бюджет ҳисобидан таъминлаш, қишлоқдаги мактабгача таълим муассасалари, мактабларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш;**

**— экологик номутаносиб муҳитда яшаётган хотин-қизларимизнинг барча хасталиклар бўйича текин тиббий ёрдам ва дори-дармон олишини таъминлаш...»**

Робия Каттаевадаги меҳнаткашлик, фидойилик, халқчиллик, камтаринлик, бағрикенглик каби фазилатлари учун овоз берсангиз, ҳечам адашмайсиз.

## АБДИРАСУЛ ЖУМАҚУЛОВ

### (66-Жарқўрғон сайлов округи)



**1966 йилда Сурхондарё вилоятида хизматчи оиласида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини тугатган. Ихтисослиги — журналист. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда «Сурхон тонги» вилоят газетасида масъул котиб ўринбосари вазифасидан бошлаган. 1995 йилнинг апрелидан «Тадбиркор» газетасининг бош муҳаррири вазифасида иш бошлади. 1998 йилдан буён воҳада нуфузли нашрлар — «Халқ йўли» ва «Эркин сўз» газеталарига бош муҳаррирлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга «Ўзбекистон овози» газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири ҳамдир.

Иш жараёнида унинг сиёсий етук, ғоявий мустаҳкам, билимдон, ташаббускор, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик сифатлари намоён бўлди. Тажрибали ва изланувчан журналист. Унинг ташкилотчилиги, жонкуярлиги туфайли «Халқ йўли» ва «Эркин сўз» газеталарининг аҳоли ўртасида мавқеи ошиб, нусхаси кўпайиб бормоқда.

У вилоят аҳолиси орасида, партия фаоли сифатида ҳам Ўзбекистон ХДПнинг нуфузини ошириш ва унинг дастурий мақсадларини оммага етказиш борасида самарали фаолият юритмоқда. Шу боис, унинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланиб, 2003 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Абдирасул Жумақулов иқтидорли журналист бўлибгина қолмай, таниқли ижодкор ҳам. Унинг шу пайтгача «Осмон бешиги», «Ишқ боғи» каби шеърий ва бир неча публицистик китоблари босмадан чиққан. Шунингдек, у камтарин, меҳнатсевар, самимий ва жамоатчилик ўртасида катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор инсон. Меҳрибон оила бошлиғи.

— **Мен бир журналист сифатида ҳаётимизда учраётган қонунбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилганимда кўп нарса маънавиятга, айниқса тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг маънавиятига боғлиқ эканлигини кузатдим,** — деди у сайловчилар билан бўлган бир учрашувда. — **Бир мисол: «Истеъмолчилар ҳуқуқлари» мавзуида мақолалар ёзиш учун фактлар тўплаш жараёнида асосий мақсади кўпроқ пул топиш бўлган айрим тадбиркорларнинг қалбаки, сифатсиз дори-дармонлар ишлаб чиқараётгани, сотаётгани, керакли назоратдан ўтмаган озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси каби салбий ҳолатларга гувоҳ бўлдим. Юзлаб текширувчи ва назорат қилувчи органлар бўлгани билан, тадбиркорнинг маънавияти паст бўлса фойдаси йўқ. Оддий халқ алданаверади. Шу боис, маънавиятни юксалтириш чора-тадбирларини жиддий ўйлаб кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман...**

## ЖЎРА МЕНГЛИБОЕВ

### (67-Қумқўрғон сайлов округи)



**1945 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. Тожикистон Политехника институтини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-электрик. Бугун у «Сурхон-чигит» корпорациясининг «Олтин-чигит» қўшма корхонаси Бош директори ва Кенгаш раиси. «Дўстлик» ордени соҳиби. ХДП аъзоси.**

— Жўра Алибоевичдек кўпни кўрган, тажрибали, ҳокисор, элга қайишадиган, ишнинг кўзини билувчи оқил инсонлар Сурхон воҳасида кўп, — дея сўз бошлади туман партия кенгашининг биринчи котиби Салтанат Зуннунова. — Лекин, юрт ривожида, халқ орасида бу кишининг ўз ўрни, ўз сўзи бор...

Жўра Менглибоевнинг ҳаёт йўлига назар ташлашнинг ўзиёқ буни тасдиқлайди. Оддий монтёрликдан туман миқёсидаги раҳбар даражасигача бўлган йўлни босиб ўтиш барчанинг ҳам қўлидан келавермайди.

«Олтин-чигит» Ўзбек-Юнон қўшма корхонаси 1999 йилда фойдаланишга топширилган. Бугун мазкур корхонада 200 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Унинг асосий вазифаси — уруғлик чигитни қайта ишлаш заводи барча қувватларини қуриш, ишга тушириш, фойдаланиш... Буларнинг ҳаммаси Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан берилган кредит ҳисобидан амалга оширилаяпти. Асосий мақсад — юқори сифатли уруғлик чигит етиштириш, сотиш, қайта ишлаш, тозалаш, саралаш, колибровка қилиш, қоплаш ва сертификатлаш. Иккинчидан, уруғлик чигитни механик ва кимёвий тозалаш. Мана, 6 йилдирки «Олтин-чигит» республика ва Сурхон воҳаси хўжаликларини сифатли, сертификатланган пахта ва ғалла уруғлари билан таъминлаб келмоқда. 2000 йилда 928 тонна чигит, 2100 тонна ғалла уруғлиги қайта ишланган бўлса, 2003 йилда чигитнинг ўзи 2432 тоннани ташкил этди. 2600 тонна уруғлик буғдой қайта ишланди. 2004 йил якунлари ҳам янада баракали бўлди. Корхонанинг замонавий, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бераоладиган ускуналари Греция, Олмония, Дания ва Италиядан келтирилди.

— **Агар мен депутат бўлсам, аввало халқимизнинг яшаш даражасини оширишга ўз ҳиссамни қўшаман,** — дейди Жўра ака. — **Қишлоқ меҳнаткашлари, ўқитувчи ва шифокорлар, пенсионер ҳамда ногиронлар учун иш ҳақи ва нафақаларни ошириш, уларни ўз вақтида тўлаб бориш долзарб вазифа. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан келадиган даромаддан мустақил фойдаланишни кенгайтириш лозим.**

**— аграр соҳада барча мулкий ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалигига хусусий мулкнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ва шу аснода деҳқонни ўзига қарашли хўжалик ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳақиқий мулкдорига айлантириш;**

**— ер майдонлари унумдорлигини ошириш учун унга ишлов бериш механизмларини амалга шартли равишда жорий этиш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, тармоқ учун зарур бошқа кимёвий ва биологик моддаларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлашга имтиёзлар бериш, рағбатлантириш керак деб ўйлайман...**

## САДЕНБОЙ НУРМАНОВ

### (114-Нукус сайлов округи)



**1955 йилда Қорақалпоғистон Республика Кегейли тумани Халқобод қишлоғида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-қурувчи.**

Меҳнат фаолиятини 1977 йилда «Қорақалпоқводстрой» трестида муҳандисликдан бошлаган. Кўп йиллик меҳнат тажрибалари уни ўз соҳасининг мутахассисига айлантирди. 1991-1992 йилларда Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгаши иккинчи котиби, 1992-1993 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Советти Раиси ёрдамчиси, 1993-1994 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ишлар бошқарувчиси, 1994-1995 йилларда Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси давлат ҳокимияти, маҳаллий ўз ўзини бошқарув ва жамоат бирлашмалари масалалари бўйича қўмитаси раиси, 1997 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши биринчи котиби.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Саденбай Нурманов масъулиятни ҳис этиб, иш услуби, тажрибаси, билими ва меҳнатсеварлиги билан назарга тушди. Ишчанлиги, инсонийлик фазилатлари билан кутилган натижаларга эришди.

У Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутат бўлиб сайланганида депутатлик вазифаларига чуқур масъулият билан ёндашди. Халқобод шаҳарчаси ҳамда Қумшунгул овулининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда фаол қатнашди. Айниқса, газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, касалхона, мактаб, болалар боғчалари, янги иш ўринларини ташкил этишда, хотин-қизлар турмушида вужудга келган муаммоларни бартараф этишда фаоллик кўрсатди.

У раҳбарлик қилаётган ЎзХДП Нукус шаҳар кенгаши кейинги йилларда сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. ХДП аъзолари сони янада кўпайди.

С.Нурманов «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги», «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги» кўкрак нишонлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Унинг номи «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром Китоби»га киритилди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда, — дейди С.Нурманов, — **ҳокимият идоралари ишларини жамоатчилик асосида назорат қилиб боришга эришиш лозим. Турар-жойлар қуриш учун кредитлар берилишига кенг йўл очиш, солиқлар миқдорини имкон қадар камайтириш, ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан таъминлаш орқали янги иш жойларини кўпайтириш ҳамда ишловчиларнинг меҳнат ҳақларини ошириш билан бирга озиқ-овқат, турар-жой, газ, электр энергияси баҳоларининг кўтарилишини назорат қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни ўз олдимга асосий мақсад қилиб қўяман.**

## ИСЛОМ АМИНОВ

### (115-Тўрткўл сайлов округи)



**1948 йил Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида хизматчи оиласида туғилган. 1970 йил Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик. Ўзбекистон ХДП аъзоси, оилали, 7 нафар фарзанди бор.**

Меҳнат фаолиятини 1970 йил Тўрткўл тумани қишлоқ хўжалиги бошқармасида муҳандисликдан бошлаган. 1971-1977 йиллари қурилиш ташкилотларида бош механик бўлган. 1978-1997 йилларда Элликқалъа, Қанликўл туманларида раҳбарлик вазифаларида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида қўмита бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси давлат суғурта бошқармасида бошлиқ бўлиб фаолият кўрсатди. 1997 йилдан «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси Қорақалпоғистон Республикаси дирекцияси директори вазифасида ишлаб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи.

Бир марта Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, 6 марта маҳаллий Кенгашларга депутатликка сайланган.

Қорақалпоғистон халқ хўжалигининг асоси — аграр соҳа. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг шўрланиб, унумдорлиги пасайиши, сув, ҳаво ва тупроқнинг заҳарланиши инсон саломатлигига, аҳоли генофондига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига келтираётган зарари кенг жамоатчиликни қаттиқ ташвишлантирмоқда. Ушбу қийин вазиятда тармоқ маҳсулотларини етиштиришда бошқа вилоятларга нисбатан 2-3 баробар кўп сарф-харажат ва меҳнат талаб қилинаётган бир шароитда, Ислом Аминов раҳбарлик қилаётган «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси Қорақалпоғистон Республикаси дирекцияси ва унинг 16 та туман ҳамда шаҳар бўлимлари қишлоқ меҳнаткашларига сифатли суғурта хизмати кўрсатиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлашга муносиб улуш қўшмоқда.

Сўнгги йилларда бу ерда суғуртага тортиш ҳажми 40 фоиздан 90 фоизгача кўтарилди.

Унинг бу галги сайловолди дастуридан ҳам аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, меҳнат муҳофазаси, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари ҳимояси борасидаги ғоялар кенг ўрин олган.

Жумладан:

**— агар мулкдорга олган фойдасининг ижтимоий муҳофаза соҳасига йўналтирилган қисми учун солиқлардан имтиёз берилса ёки имтиёзли банк кредити билан таъминланса, аҳолининг бой қисми — тадбиркорлар қатламининг ночор кишиларни қўллаб-қувватлашдаги фаоллиги ошишига туртки бўларди.**

Суҳбат давомида номзод билан баҳслашдик ҳам. Аммо ҳақиқий баҳслар ҳали олдинда — уларга 26 декабрь куни якун ясалади.

Саҳифа материалларини «Ўзбекистон овози» мухбирлари Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Алижон АБДУРАҲМОНОВ, Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Шарофат ЙЎЛДОШЕВА ва Абдумалик ҲАЙДАРОВ тайёрладилар

